

10-1-2019

THE DEVELOPMENT OF THE STOCK MARKET IS THE FACTOR OF ECONOMIC GROWTH

S. Elmirzayev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Elmirzayev, S. (2019) "THE DEVELOPMENT OF THE STOCK MARKET IS THE FACTOR OF ECONOMIC GROWTH," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 5 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE DEVELOPMENT OF THE STOCK MARKET IS THE FACTOR OF ECONOMIC GROWTH

The article analyzes the real state of the activity of the stock market in our country, existent problems have been found out, the results of the research are given on the ways to solve them.

Keywords: securities, stock market, stock, bond, investor, dividend, interest, income, equity, privatization, issue, public offering, listing.

In today's world, the environment of fierce competition in all fields is ongoing. In these conditions, the economy of our country also needs development, and President Shavkat Mirziyoyev is implementing a number of reforms in this direction. Comprehensive economic development requires the harmonious development of the real sector and the financial sector. At the same time, the development of the real sector of the economy and business development in general are directly linked to the financial market, in particular, the capital market, which is its component. At a time when sustainable business growth and expansion through new projects are becoming increasingly effective, effective business financing also depends on the state of the stock market.

On October 7, 2019, President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev held a meeting with heads of state bodies on economic issues to discuss the development of the stock market. During the meeting, President Shavkat Mirziyoyev outlined the tasks and directions of the fundamental development of the stock market, emphasizing that economic development cannot be achieved without developing stock market. Based on this, we are going to outline some of the considerations we need to pay attention to, as we are entering the bottom-up phase of stock market development.

The development of the stock market is largely dependent on the demand of issuers to raise capital from the market and the mutually beneficial offer with investors. In real terms, today, 85% of 605 joint-stock companies are state-owned. In this case, any additional issue of government-owned shares would result in registration directly with the securities depository. In other words, no open market operations are conducted. In order to increase the supply on the stock market, it is necessary to bring into the privatization of highly liquid business entities which are not strategically important. It is not accidental that the President of the country has set the task to identify 20 most successful state-owned enterprises and to privatize them through the capital market. One thing is clear, as the state share in business entities increases, the level of efficiency decreases. This is also due to the qualitative leverage of governance. At the same time, it is advisable to privatize other companies with the establishment of about 50 economic entities of strategic importance. This is because, according to the world economy, which has experienced several stages of development and crisis, the state is the worst investor. In addition, an increase in the state's share in the economy, that is, the effectiveness of governance in the ownership of about 50 business entities, is quite different from the management efficiency of a state-owned joint-stock company. In general, without effective privatization practices, the development of the stock market is more complex.

In the same economic environment where investors are assessing the economic status of the securities market, it is necessary to expand the number and type of stock market securities. This requires first of all the need for effective organization of government securities circulation. This is because government bonds are a risk-free asset in the financial market as compared to other securities, and investors carry out financial transactions with other securities based on the yield of government bonds. However, government bonds issued in our country are placed not only through the stock exchange, but also on the foreign exchange, only among commercial banks. In this case, government bonds may not serve as market value and profitability for investors. Therefore, it is advisable to place government securities on the stock exchange. Corporate bonds are the next type of securities that should be considered in expanding the types of financial assets to be traded in the stock market. This is because corporate bonds are an attractive asset for investors, as they reflect a clear commitment and fixed income. On the other hand, fixed income on corporate bonds acts as a relative guarantee. Transition to the public offering of corporate bonds and increase of their circulation also serve as intermediate stages in the development of the stock market and the development of the stock market.

On the basis of the above-mentioned criteria, our conclusions and suggestions, which will facilitate further economic development through the development of the stock market in the Republic, are as follows:

First, it is necessary to improve the securities market legislation in order to expand the activities of institutional investors and to eliminate restrictions on issuers.

Second, it is necessary to increase the range and volume of securities freely traded on the stock market. For this purpose it is necessary to move to the practice of placing government securities on the stock exchange.

Thirdly, given that the corporate sector is the most important player in the stock market, corporate structures in various sectors and sectors require the placement and successful servicing of corporate bonds and then preferential shares.

Fourth, there should be regular return on any financial asset. Otherwise, the stock market development, sales reform, and the implementation of measures will not work.

Fifth, while special attention is paid to the practice of public offering of shares, it is advisable to take management decisions with due regard for the interests of shareholders. Because the prospect of mass placement is difficult when the interests in the form of dividends are not met.

**С.Э.Элмирзаев – ТМИ кафедра мудири, и.ф.д., доц.
Ж.П.Бўриев – ТМИ мустақил изланувчиси
Ф.А.Абдурашидов – ТМИ магистранти**

ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Мақолада мамлакатимизда фонд бозори фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар аниқланиб уларни ҳал қилиш йўналишлари хусусида тадқиқот натижалари келтирилган.

Таняч сўз ва иборалар: кимматли қоғоз, фонд бозори, акция, облигация, инвестор, дивиденд, фоиз, даромад, капитал, хусусийлаштириш, эмиссия, оммавий жойлаштириш, листинг.

РАЗВИТИЕ ФОНДОВОГО РЫНКА КАК ФАКТОРА УСКОРЕНИЯ РОСТА ЭКОНОМИКИ

В статье анализируется современное состояние фондового рынка в нашей стране, выявляются существующие проблемы и представляются результаты исследований о путях их решения.

Ключевые слова: ценные бумаги, фондовый рынок, акции, облигации, инвестор, дивиденды, проценты, доход, капитал, приватизация, выпуск, публичное размещение, листинг.

Кириш

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида барча соҳаларда кескин рақобат муҳити хумронлик қилмоқда. Бундай шароитда мамлакатимизда ҳам иқтисодиётни ривожлантириш талаб этилади ва бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни комплекс ривожлантириш реал сектор ва молиявий секторнинг ўзаро уйғун тарзда ривожлантиришни тақозо этади. Бунда иқтисодиётнинг реал сектори ривож, умуман бизнес тараққиёти кўп жиҳатдан молия бозори, хусусан унинг таркибий қисми ҳисобланган капитал бозори фаолияти билан бевосита боғлиқ. Доимий ўсиш ва янги лойиҳаларни ўзлаштириш орқали фаолиятни кенгайтириш мутазамлик касб этаётган бир вақтда бизнесни молиялаштиришнинг самарали ташкил этилиши фонд бозори ҳолатига ҳам боғлиқ.

2019 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида иқтисодий соҳа бўйича давлат бошқарув органлари раҳбарлари иштирокида фонд бозорини ривожлантириш масаласида йиғилиш ўтказилиб, унда фонд бозори жорий ҳолати ва иқтисодиётдаги ўрни, мутахассислар малакаси ва бу борада аҳоли саводхонлиги каби масалалар ўта танқидий кўриб чиқилди. Йиғилиш давомида фонд бозорини ривожлантирмасдан туриб, иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслиги қатъий

таъкидланган ҳолда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан фонд бозорини тубдан ривожлантириш бўйича вазифалар ва йўналишлар белгилаб берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида фонд бозорини ривожлантириш бўйича туб бурилиш даврига қадам қўйилаётган айна вақтда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар хусусидаги ўз мулоҳазаларимизни келтириб ўтсак.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Фонд бозорини ривожлантириш хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг доимий равишда диққат марказида бўлиб келаётган масалалардан биридир. Чунки фонд бозори қатор асрлардан буён мунтазам равишда ривожланишда давом этиб келмоқда.

Хорижий олимлардан J.Madura ўз тадқиқот ишларида молия бозорининг турли инструментлари асосида фонд бозорини ривожлантиришга эътибор қаратган ва тадқиқот натижаларидан ривожланган давлатларда фонд бозори активлари сони тобора ошиб бораётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин [1].

Ф.Мишкин ва С.Якинлар тадқиқот ишларида жаҳон иқтисодиётида фонд бозорининг аҳамияти ва роли борган сари ошиб бораётган бир вақтда молиявий инструментлар ҳажми ҳам ошиб бораётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунингдек, фонд бозори активлари қўлланиш хусусиятлари билан бирга, уларни муомаласини тартибга солиш масалалари ҳам кенг тадқиқ ва таҳлил қилинган [2].

Б.Рубцов томонидан замонавий фонд бозорлари тадқиқ қилинган бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган фонд бозорларининг ривожланиш хусусиятлари, уларда қўлланилаётган қимматли қоғозлар турлари атрофлича ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш мумкин [3].

Маҳаллий олимлардан И.Бутиков томонидан қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишларига қаратилган қатор тадқиқот ишлари эълон қилинган. Бунда миллий фонд бозорида мавжуд активлар, эмитентлар таркиби ва фаоллиги, қимматли қоғозлар бозори имкониятларидан фойдаланиш ва унга таъсир кўрсатаётган омиллар, давлат улушининг юқорилиги ва бу улушни хусусийлаштиришга қаратилган мулоҳазаларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим [4].

Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестициялар, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш масалалари У.Холиқов томонидан тадқиқ қилинган [5]. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган масалалар Х.Худойкулов томонидан тадқиқ қилинган [6]. А.Хўжамуродов томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш йўналишларига доир тадқиқотлар амалга оширилган [7].

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги даврида ҳам бевосита фонд бозорини ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдаги ролини оширишга доир тадқиқотларни амалга оширишни ислоҳотлар йўналишлари кўрсатиб турибди.

Таҳлил ва натижалар

Фонд бозори ривожини кўп жиҳатдан эмитентларнинг бозордан капитал жалб қилиш бўйича талаби ва инвесторлар билан ўзаро манфаатли таклифига боғлиқ. Реал вазиятда бугунги кунда 605 та акциядорлик жамияти акцияларининг 85 фоизи давлатга тегишли. Бундай ҳолатда давлат улушини ошириш билан боғлиқ ҳар қандай қўшимча акция чиқарилиши тўғридан-тўғри қимматли қоғозлар депозитарийсидан рўйхатдан ўтказиш билан яқунламоқда. Яъни очиқ бозорда ҳеч қандай операция амалга оширилмаяпти. Фонд бозорида таклиф ҳажмини ошириш учун стратегик аҳамиятга эга бўлмаган, юқори ликвидли хўжалик жамиятларини хусусийлаштиришга олиб чиқиш талаб этилади. Бу борада Президентимиз томонидан 20 та энг муваффақиятли давлат корхоналарини аниқлаш ва уларни капитал бозори орқали хусусийлаштириш вазифасини топширганлиги ҳам бежиз эмас. Бир жиҳат аёнки, хўжалик жамиятларида давлат улуши ошиб борган сари самарадорлик даражаси пасайиб боради. Мазкур жиҳатга бошқарувнинг сифат жиҳатдан оқсаши ҳам сабаб бўлади. Бунда давлат стратегик аҳамиятга эга 50 га яқин хўжалик жамиятларини белгилаб олган ҳолда, бошқа жамиятларни хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки қатор ривожланиш босқичларини, инқирозли ҳолатларни ўз бошидан ўтказган жаҳон иқтисодиётидаги қатор тажрибаларга кўра давлат энг ёмон инвестор ҳисобланади. Устига-устак иқтисодиётда давлат улуши ошиб бориши, яъни давлат иштирок этадиган акциядорлик жамияти бир неча юзтани ташкил этган ҳолатдаги бошқарув самарадорлиги билан 50 га яқин хўжалик жамиятига эгаллик қилишдаги бошқарув самарадорлиги кескин фарқ қилади. Умумий ҳолда самарали хусусийлаштириш амалиётларисиз фонд бозори ривожини таъминлаш бирмунча мураккаблик касб этади.

Инвесторлар томонидан қимматли қоғозлар бозоридаги ҳолатга қараб иқтисодий ҳолатга баҳо бериладиган айни иқтисодий шароитда фонд бозоридаги қимматли қоғозларни сон ва тур жиҳатдан кенгайтириш лозим. Бунинг учун аввало давлат қимматли қоғозлари муомаласини самарали ташкил этиш талаб этилади. Чунки давлат облигациялари молия бозорида бошқа қимматли қоғозларга нисбатан рисксиз актив ҳисобланади ва инвесторлар бошқа қимматли қоғозлар билан молиявий операцияларни давлат облигациялари даромадлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Лекин мамлакатимизда муомалага чиқарилган давлат облигациялари фонд биржаси орқали эмас, балки валюта биржасида фақатгина тижорат банклари ўртасида жойлаштирилди. Бундай ҳолатда давлат облигациялари бозор баҳоси ва даромадлиги инвесторлар учун мўлжал вазифасини ўтаб бера олмайди. Шунинг учун давлат қимматли қоғозларини ҳам фонд биржасида жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Фонд бозорида муомалага чиқариладиган молиявий активлар турларини кенгайтиришда эътибор қаратилиши лозим бўлган навбатдаги қимматли қоғоз тури корпоратив облигациялардир. Чунки корпоратив облигациялар ўзида аниқ мажбурият ва қатъий белгиланган даромадни акс эттирганлиги учун ҳам

инвесторлар учун жозибали актив ҳисобланади. Бошқа томондан корпоратив облигациялар бўйича белгиланадиган қатъий даромад нисбатан кафолат вазифасини ўтаб беради. Бугунги кунда мамлакатимизда 338,06 миллиард сўмлик корпоратив облигациялар муомалада [8] ва улар ҳам фақат юридик шахслар ўртасида ёпиқ тартибда жойлаштирилган. Корпоратив облигацияларни очик жойлаштиришга ўтиш ва муомаласи ҳажмини ошириш фонд бозорини ривожлантиришда ва акциялар бозорини ривожлантиришда ўзига хос оралик босқич вазифасини ҳам ўтаб беради.

Муомаласини кенгайтириш талаб этиладиган навбатдаги қимматли қоғоз тури имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўзида мажбуриятни акс эттирмасида, қатъий белгиланган даромад кафолатланади. Айнан қатъий белгиланган даромад пассив даромад сифатида акциялар курси орқали даромад олиш имконияти нисбатан паст бўлган даврда имтиёзли акциянинг ҳам жозибадорлигига хизмат қилади. Охириги йилларда имтиёзли акциялар муомалага чиқариш амалиёти эса мамлакатимизда деярли кузатилмаяпти.

Мамлакатимизда 2019 йил 4 октябрь ҳолатига 79906,71 миллиард сўм ҳажмда муомалага чиқарилган акциялар нисбатан кенг қўлланиладиган қимматли қоғоз туридир [8]. Лекин уларнинг эркин муомаласи билан мақтана олмаймиз. Чунки 605 та акциядорлик жамиятидан 105 тасининг бор-йўғи 5 фоиз акцияси эркин муомалада эканлиги буни кўрсатиб турибди [9]. Акциялар муомаласини кенгайтириш мақсадида ҳам хусусийлаштириш амалиётларини кенгайтиришимиз, акциялар очик жойлаштириш ҳажмини ошириб боришимиз талаб этилади. Бундан олдин эса акциялар даромадлиги, дивидендлар мунтазамлиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки фонд бозорида нисбатан юқори рискли ҳисобланган акциялар бўйича мунтазам даромадлилик таъминланмаса акциялар бозорининг ривожланиши қийин кечади. Бунда биринчи навбатда пассив даромад ҳисобланган дивидендларга эътибор қаратиш лозим. Айнан мунтазам равишда дивидендлар тўлаб борилиши акциялар бозорида акция курси ўзгаришидан даромадлар олинишига ҳам замин яратади ва актив даромадлар ҳисобига фонд бозори ривожланиши таъминланади.

Бугунги кунда аҳолини фонд бозорига, акциядорлик амалиётига кенг жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) ва иккиламчи оммавий жойлаштириш (SPO) амалиётлари орқали акцияларни аҳолига сотиш натижасида акциядорлик жамиятларида давлат улушини камайтиришга эътибор қаратилмоқда. Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётлари акциядорлик жамиятларига капитал жалб қилишда ўз самарасини бермоқда. Лекин бундай амалиётлар амалга оширилгач, акциядорлик жамиятлари бошқаруви акциядорлар билан муносабатларни, хусусан улар манфаатлари таъминланишини биринчи ўринга олиб чиқишлари лозим. Мамлакатимизда амалга оширилган ягона IPO амалиётидан сўнг акциядорлар манфаатлари тўлиқ таъминланди, дея айта олмаймиз. Чунки “Кварц” акциядорлик жамияти 2018 йил якунлари бўйича соф фойдасини устав капиталини оширишга йўналтирди ва дивидендлар акция

кўринишида тўлаб берилди. Натижада акция курсининг кескин пасайиши юз берди. Бундан шуни хулоса қилишимиз керакки, IPO амалиётидан сўнг акциядорлар манфаатларининг таъминланмаслиги, яъни дивиденд тарзидаги даромадларнинг нақд пул шаклида берилмаслиги инвесторларнинг қизиқишини янада пасайтиради. Шу ўринда фойда реинвестиция қилинганда ва акция кўринишида тўланганда ҳам солиққа тортиш амалиёти мамлакатимизда қўлланилаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш зарур. Нақд пул шаклида олинган дивиденд тарзидаги даромадлардан солиқ ундириш амалиёти тушунарли ҳолат. Лекин реинвестиция натижасида инвестор уч томонлама йўқотишга дучор бўлади. Яъни биринчидан, дивиденд тарзидаги даромаддан маҳрум бўлиши, иккинчидан, акция курсининг кескин пасайиши, учинчидан солиққа тортиш амалиёти қўлланилиши. Ривожланган давлатлар амалиётида реинвестиция ва дивидендларни акция кўринишида тўлаш истиқболда янги лойиҳалар ишга тушиши боис истиқболда акциядорлик жамиятлари ва инвесторлар даромадлари, бандлик ва бошқа жиҳатлар таъминланиши прогноз қилинган ҳолда дивиденд солиғидан озод қилинади. Бу амалиётни республикамизда ҳам жорий қилиш лозим.

Юқорида асосан қимматли қоғозлар турлари ва эмитентлар фаолияти нуқтаи назаридан ўз мулоҳазаларимизни баён этдик. Энди бевосита савдо ташкилотчилари ҳисобланган фонд бозори инфратузилмаси хусусида фикр-мулоҳазаларимизни келтирсак.

Республикамизда акциялар оммавий таклифи бўйича биринчи амалиёт амалга оширилганда акцияларни кафолатли жойлаштириш (андеррайтерлик) Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан амалга оширилди. Бунда аввало шуни қайд этиб ўтишимиз керакки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик шаклида ўз фаолиятини олиб бормади. Бу жиҳат ўз-ўзидан банкнинг эмитент сифатида акциялар жойлаштириш бўйича ҳеч қандай тажрибаси йўқлигини англатади. Гарчи “Кварц” акциядорлик жамияти юқори рентабелли корхона бўлсада таклиф қилинган акцияларнинг 54 фоизлик қисми жойлаштирилди, холос. Бунга маълум даражада савдо ташкилотчисининг нотўғри танланганлиги ҳам сабаб бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳам хорижий инвестицион компанияларнинг республика фонд бозорига кириб келишига шароит яратилди. Ва натижада Freedom Finance инвестицион компанияси сўнгги акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётлари ташкилотчиси сифатида майдонга чиқмоқда ва ижобий натижаларга эришмоқда. Мамлакатимизда бундай профессионал савдо ташкилотлари сонини ошириш, улар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш лозим.

Бугун жаҳон иқтисодиётида рақамли иқтисодиёт устуворлик касб этаётган бир вақтда миллий фонд бозори ва унинг профессионал иштирокчилари фаолиятида рақамли иқтисодиёт устуворликларидан самарали фойдаланилмоқда, дея фикр билдира олмаймиз. Бугунги кунда савдо платформалари фаолиятини кенгайтириш, листинг талабларини қайта кўриб чиқиш, мобил иловалар орқали савдо имкониятларини яратиш кабилар талаб

этилади. Шунингдек, биринчи навбатда фонд бозори вебсайти орқали сониялик савдо натижалари, эмитентлар фаолияти борасидаги ахборотлар очиклиги ва тезкорлиги масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардандир.

Соҳа ривожини мутахассислар малакаси ва аҳолининг бу борадаги саводхонлигига ҳам боғлиқлиги, бугунги кунда юртимизда тегишли малака гувоҳномасига эга атиги 300 нафар мутахассис борлиги ва улардан фонд бозорида фаолият юритаётганлари 100 тани ҳам ташкил этмаслиги Президент томонидан ўтказилган йиғилишда жиддий танқид қилинди. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, фонд бозоридаги ҳолат бевосита кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Чунки кадрлар тайёрланиши ва уларнинг малака даражаси истеъмолчи талабига, бозор ҳолатига бевосита боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида келтирилган жиҳатлар асосида республикада фонд бозорини ривожлантириш орқали иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиришга хизмат қиладиган хулоса ва таклифларимиз қуйидагича:

Биринчидан, институционал инвесторлар фаолиятини кенгайтириш, эмитентлар бўйича чекловларни бартараф этиш мақсадида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарур.

Иккинчидан, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари юқори ликвидли қимматли қоғозларини очик жойлаштириш лозим.

Учинчидан институционал инвесторлар сифатида банклар томонидан маълум чегаралар доирасида қимматли қоғозлар, хусусан акциялар билан муносабатларга рухсат бериш лозим.

Тўртинчидан, қимматли қоғозлар бўйича даромадларни фонд бозори аниқ йўналиш асосида изга тушиб олгунга қадар солиқлардан озод қилиш лозим.

Бешинчидан, корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш орқали истиқболда инвесторлар ишончини қозониш, ундан кейин эса акциялар бозори кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. J.Madura. Financial Markets and Institutions. 12th Edition. USA: Cengage Learning, 2018. – 784 p.
2. F.Mishkin, S.Eakins. Financial Markets and Institutions. 9th Edition. USA: Pearson, 2017. - 704 p.
3. Б.Рубцов. Современные фондовые рынки. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 926 с.
4. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: новые горизонты. <https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/4502-igor-butikov-rynok-tsennykh-bumag-uzbekistana-novye-gorizonty>

5. Халиков У. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: БМА, 2017.
6. Худойкулов Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: БМА, 2018.
7. Хўжамуродов А. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: БМА, 2019.
8. Эмитентлар сони ва чиқарилган қимматли қоғозларнинг жами ҳажми тўғрисидаги маълумот. <http://www.deponet.uz/uz/news/emitentlar-soni-va-chikarilgan-kimmatli-kogozlarning-zhami-khazhmi-tugrisidagi-malumot-8>
9. Фонд бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. <https://president.uz/uz/lists/view/2913>